



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI
SURXONDARYO VILOYATI QUMQO'RG'ON TUMANI HOKIMINING
Q A R O R I

Qumqo'rg'on tumani, O'zbekiston shoh ko'chasi 1-uy. 190900, tel.: (+99876) 46-52-511, qumhok@csat.uz

20 20-yil “ 7 ” декабр

Қ-1892 -son

Qumqo'rg'on t.

Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 ноябрдаги 735-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида” Қ-665-сонли қарори ижросини таъминлаш ҳақида

Аҳоли соғлигини мустаҳкамлашга кўмаклашадиган аниқ дастурларни амалиётга жорий этиш, ёшлар, аёллар ва кексаларни соғлом турмуш тарзига кенг жалб қилиш ва уларнинг жисмоний фаоллигини ошириш учун қўшимча шарт-шароитлар яратиш ҳамда Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 4 декабрдаги Қ-665-сонли қарорининг ижросини таъминлаш мақсадида,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Сурхондарё вилоят ҳокимининг 2020 йил 4 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Аҳолининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва жисмоний фаоллигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2020 йил 19 ноябрдаги 735-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида” Қ-665-сонли қарори маълумот ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Сурхондарё вилояти ҳокимининг мазкур қарори билан қуйидагилар:

“Пандемияни спорт орқали енгамиз!” ғоясини ўзида мужассам этган Ўзбекистон Республикасида 2021-2022 йилларда спорт сиёсатини жадаллаштириш дастури;

“Соғлом аёл - буюк келажак” ғоясини ҳаётга татбиқ этишга қаратилган хотин-қизлар ўртасида соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш, уларни жисмоний

тарбия ва спорт билан оммавий тарзда шуғулланишга жалб қилиш чора-тадбирлари дастури;

2020-2022 йилларда Ўзбекистонда спорт ва экстремал туризмни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури;

Ўзбекистон Республикасида миллий спорт турларини ва халқ ўйинларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқланганлиги инобатга олинсин.

3. 22 сентябрь “Халқаро автомобилсиз кун” муносабати билан:

2021 йилдан бошлаб 22 сентябрь куни туман бўйича “Автомобилсиз кун” сифатида шу куни шахсий автомобилда ҳаракатланишдан ихтиёрий равишда воз кечиш (махсус техникалар, такси ва етказиб бериш ҳамда тиббий тез ёрдам учун хизмат кўрсатадиган техникалар, жамоат транспортлари бундан мустасно) тавсия этилсин;

қўшимча равишда халқ депутатлари маҳаллий кенгаши қарори асосида туманда “Автомобилсиз кун” тадбирини ўтказиш белгиланиши мумкин.

Туман ички ишлар бўлими (Ў.Шукуров), Миллий гвардия туман бўлими (А.Ортиқов), туман ташкилотлари, идора, хўжалик бирлашмалари ҳамкорликда “Автомобилсиз кун” тадбирлари ўтказилишини ҳамда жамоат тартиби сақланишини ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминласин.

4. Туман ҳокимининг ўринбосари (С.Исаев), туман ички ишлар бўлими (Ў.Шукуров):

а) икки ой муддатда пиёдалар ўтиш йўлакларида йўл-транспорт ҳодисаларининг сонини кескин қисқартириш, шунингдек, аҳолининг пиёда юриши учун қулайликлар яратиш мақсадида ўрнатилган светофорнинг рухсат берувчи чироклари вақтлари оралиғини халқаро стандартлар асосида қайта кўриб чиқиб, пиёдалар ўтиш йўлакларида пиёдалар ўтиш жойлари (зебра)нинг халқаро тажрибадан келиб чиқиб ташкил этилишини таъминласин;

б) 2021 йил 1 апрелга қадар маҳаллалар, қишлоқлардаги пиёда ва велосипедда юриш учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”га (кейинги ўринларда - Саломатлик йўлаклари) автомобил қўйишни тақиқловчи белгиларни, йўлакларнинг бошланиш қисмига автомобилларнинг ҳаракат қилишининг олдини олиш мақсадида махсус тўсиқларни ўрнатсин, бунда тўсиқлар пиёда юриш ва велосипедда ҳаракатланишга ҳалақит бермайдиган бўлиши инобатга олинсин.

Белгилансинки:

светофор чироғининг вақтлар оралиғини ўрнатишда пиёдалар учун ажратилган вақт устувор этиб белгиланади;

мазкур тадбирларни амалга ошириш харажатлари маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади;

в) пиёда ва велосипедда юриш учун мўлжалланган “Саломатлик йўлаклари”да автомобил ҳаракатланишини ва у ерга автомобил қўйиб кетишнинг олдини олиш назоратини кучайтирсин ҳамда бу ишларни доимий равишда амалга оширсин;

г) туман халқ таълими бўлими (Н.Исмаилов), туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов), ўрта-махсус таълим муассасалари билан биргаликда

Ўқувчилар ва талабалар ўртасида велосипедда тўғри ҳаракатланиш, белгиланган йўлаклардан ташқарида ҳаракатланмаслик, йўл қодаларига қатъий риоя қилиш бўйича умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус таълим муассасаларида йўл ҳаракати ходимлари иштирокида дарс ўтиш ҳамда ўқув қўлланмалар ва буклетлар тайёрлаб, ўқувчи ва талабаларга тарқатиш бўйича чора-тадбирлар белгиласин.

5. 2020 йил 7 декабрдан тумандаги барча давлат органлари ва ташкилотлари:

раҳбарлар ва ўринбосарларига **“Шахсий намуна”** тамойили асосида танланган кунларда (хафтада камида бир марта) хизмат автомобилларидан фойдаланмаган ҳолда **велосипедда ёки пиёда** ишга келиши ва кетиши;

иш жойига яқин масофада яшайдиган ишчи ходимларнинг **велосипедда ёки пиёда** ишга келиши ва кетиши тавсия этилсин.

6. Туман ҳокимининг ўринбосари (С.Исаев), туман қурилиш бўлими (Ф.Мустанов):

а) **2020 йил 10 декабрга қадар “Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этишда маҳаллалар, қишлоқлардаги барча мавжуд пиёда ва велосипедда юриш йўлакларининг ҳолатини инвентаризация қилсин.

Бунда **“Саломатлик йўлаклари”**ни ташкил этишни биринчи навбатда яхши ҳолатда бўлган мавжуд пиёда ва велосипедда юриш йўлакларига тегишли чизмалар чизиш, ахборот кўрсаткичлари ва белгилар ҳамда ёритиш тизимларини ўрнатиш, текис ва тўсиқсиз ҳаракат қилиш имконини яратиш ҳамда зарур ҳолларда янги йўлакларнинг ташкил этилишига эътибор қаратилсин;

б) **2020 йил 10 декабрга қадар** йиллар кесимида ҳар бир маҳаллалар, қишлоқларда **“Саломатлик йўлаклари”**нинг ташкил этишнинг тармоқ жадвалини тасдиқласин.

Ташкил этиладиган **“Саломатлик йўлаклари”**ни сифати устидан назорат олиб бориш мақсадида (хафтада камида бир марта) тегишли масъуллар иштирокида, ушбу йўлларда велосипедда ёки пиёда ҳаракатланиши белгилансин;

в) **2020 йил 10 декабрга қадар** тасдиқланган тармоқ жадвалини вилоят ҳокимлиги билан келишиш учун киритсин.

Бунда йиллар кесимида **“Саломатлик йўлаклари”**ни маҳаллалар, қишлоқлардаги қайси кўчада ташкил этилиши харитаси, лойиҳа экспертиза ҳужжатлари, талаб этиладиган маблағлар миқдори (кейинги ўринда - лойиҳалар) аниқ кўрсатилиши инобатга олинсин;

г) **2020 йил 25 декабрга қадар** вилоят ҳокимлиги билан келишилган тармоқ жадвалини ва лойиҳаларни тасдиқлаш учун халқ депутатлари маҳаллий кенгашларига киритсин;

д) **ҳар йили 1 декабрга қадар** тегишли ҳудуддаги барча ташкилот ва муассасаларнинг кейинги йил учун йил давомида ўтказиладиган ҳафталик мусобақаларни ўтказиш календарь режаси ҳамда дастурларининг тасдиқланишини таъминласин.

7. Туман қурилиш бўлими (Ф.Мустанов) **2021 йил 1 январга қадар:**

“Саломатлик йўлаклари”ни барпо этишда **“тўсиқсиз муҳит”** ташкил этилиши, хусусан, йўлакларга турли тўсиқлар ўрнатилиши, қўшимча қурилишлар

қурилмаслиги ва бошқалар бўйича амалдаги шаҳарсозлик нормаларига тегишли қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиб, туман ҳокимлигига киритсин;

туман ҳокимининг ўринбосари (С.Исаев), туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) билан бирга бош архитекторларнинг “Саломатлик йўлаклари”ни тўғри ташкил этиш бўйича малакасини ошириш юзасидан тегишли чораларни амалга оширсин.

8. Белгилаб қўйилсинки, туманда кўчаларни модернизация қилиш ва янги йўللарни қуришда **“Саломатлик йўлаклари”** назарда тутилмаган тақдирда, ушбу лойиҳалар учун молиялаштириш амалга оширилмайди ҳамда лойиҳа қабул қилинмайди.

Туман молия бўлими (Ш.Поянов) ва қурилиш бўлими (Ф.Мустанов) мазкур ишлар устидан катъий назорат ўрнатсин.

9. Меҳнат жамоасининг соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш, уларнинг жисмоний фаоллиги даражасини ошириш мақсадида барча зарур шароитларни яратиш, ушбу вазифаларга эришишга қаратилган чора-тадбирларни мунтазам равишда ташкил қилиб бориш давлат органлари ва ташкилотлари раҳбарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонларидан бири этиб белгилансин.

10. Туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов), туман халқ таълими бўлими (Н.Исмаев), ўрта-махсус таълим муассасалари, туман молия бўлими (Ш.Поянов) **2021 йил 1 январдан** бошлаб қуйидагилар жорий этилганлиги маълумот ва ижро учун қабул қилинсин:

давлат умумтаълим мактаблари, ўрта-махсус таълим муассасаларининг (кейинги ўринларда - таълим муассасалари) балансидаги спорт иншоотларини жисмоний тарбия дарсларидан бўш вақтларда спорт мактабига (кейинги ўринларда - спорт ташкилотлари) белгиланган тартибда ижарага беришни мажбурий этиб белгилаш;

ҳар бир таълим муассасаси камида битта спорт ташкилоти билан оммавий спортни ривожлантириш ва соғлом турмуш тарзини шакллантириш бўйича ҳамкорлик қилиш меморандумини тузиш;

спорт иншоотларини спорт ташкилотларига ижарага бермаган ҳамда ҳамкорлик меморандумини тузмаган давлат таълим муассасалари раҳбарларини интизомий жавобгарликка тортиш.

11. Туман халқ таълими бўлими (Н.Исмаев), туман мактабгача таълим бўлими (Х.Улуғова), туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов), туман молия бўлими (Ш.Поянов) таълим муассасаларини доимий равишда санитария-гигиена воситалари билан таъминлаш чораларини кўрсин.

12. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари М.Култаев, туман молия бўлими (Ш.Поянов) дастурий таъминотни бюджет маблағлари ҳамда Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишлаб чиқишни назарда тутсин.

13. Туман ҳокимининг ўринбосари Н.Алланазаров, туман жисмоний тарбия ва спорт бўлими (О.Қурбонов) тизимдаги спорт иншоотлари ҳудудида реклама

баннерлари, LED мониторларини жойлаштиришда истисно тариқасида амалдаги ҳуқуқни белгиловчи ҳужжатлар талаб этилмаслиги инобатга олинсин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ва тармоқлар бўйича ўринбосарлари М.Култаев, С.Исаев, Н.Алланазаров, З.Хидировалар зиммасига юклансин.

Туман ҳокими



Р.Гаппаров